



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
кељаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2012 йил 10 июль, № 134 (5554)

Сешанба

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари меҳнатини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

“Мустақкам оила йили” Давлат дастурига мувофиқ ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар ва маҳаллалар фуқаролар йиғинларининг раҳбарлари ва ходимлари меҳнатини уларнинг ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш бўйича ижтимоий аҳамиятли ишларини амалга оширишга, оила институтини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва мустақкамлашга, жамиятда барқарорлик ва тотувликни таъминлашга қўшган ҳиссасини эътиборга олган ҳолда янада рағбатлантириш мақсадида:

1. 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат хизматчиларининг меҳнатини рағбатлантириш тўғрисида” 1997 йил 13 майдаги ПФ-1778-сон Фармонининг меҳнат ҳақи бўйича Ягона тариф сеткаси разрядларига мувофиқ рағбатлантириш коэффициенти сифатида маошларга 20 фоизли устама ҳақ ўрнатилишини назарда тутувчи 1-бандининг амал қилиши фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари лавозимларига ҳамда “Маҳалла посбони” раҳбарларига нисбатан жорий этилсин.

2. 2012 йилнинг 1 августидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг лавозим маошларига алоҳида меҳнат шароитлари учун 12 фоиз миқдорда ойлик устама ҳақ ўрнатилсин.

3. 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб таркибидида маҳаллалар ташкил қилинмаган шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларининг лавозим маошлари меҳнат ҳақи Ягона тариф сеткаси бўйича бир разряд оширилсин.

4. Ушбу Фармонда кўзда тутилган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари меҳнатини рағбатлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

6. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2012 йил 9 июль

## ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!



### Ётуқ, иқтидорли, шижоатли

ёшлар бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир

Мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида бошқа соҳалар қатори таълим тизимида ҳам оламшумул ўзгаришлар рўй берди. Бундай янгиланишлар, шубҳасиз, истиқлол йилларида ҳаётга татбиқ этилган “Таълим тўғрисида”ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кўзда тутилган вазифаларнинг изчиллик билан амалга оширилганлиги

#### ■ Таълим

самарасидир. Энг муҳими, бугун ана шундай эзгу чора-тадбирлар туфайли юртимиз ёшлардан кам бўлмай униб-ўсиши учун муносиб шарт-шароит яратишга эришилди.

Шуниси ҳақиқатки, бугунги кун ёшларининг етуқ билим соҳиби, кенг дунёқарашга эга мустақил фикрли шахс бўлиб камол топаётганлиги мамлакатимиз барқарор тараққиётга юз тутганлигидан далолатдир.

(Давоми 4-бетда).

### Самарали мулоқотлар

Тошкентда 9 июль куни Ўзбекистон ва Греция ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперацион биржа бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ташкил қилинди.

Ўзбекистонда тўқимачилик, тикувчилик ва мода саноатини янада ривожлантиришга бағишланган ушбу анжумани “EurAsia-Fashion — Марказий Осиё билан Европа ўртасида мода саноати соҳасида шериклик ва ҳамкорликни

мустақкамлаш” лойиҳаси доирасида ўтказилди. Унда икки мамлакатнинг тўқимачилик ва енгил саноат соҳалари учун масъул вазирлик ҳамда идоралари, компания ва концернлари вакиллари иштирок этди. Греция мода саноати уюшмаси президенти Мелетис Карабинисга ҳамроҳ бўлиб

кекелган ишбилармонлар делегацияси сафида Греция тикувчилик саноати уюшмаси, Тикув матолари ва пахта толаси бўйича тадқиқот маркази ҳамда мазкур мамлакатнинг тўқимачилик соҳасида фаолият юритувчи етакчи компаниялари раҳбарлари бор.

(Давоми 2-бетда).

“Ватан”, “Эркинлик”, “Озодлик”, “Ободлик”, “Бахт”, “Тақдир”. Мустақкам занжир ҳалқалари каби бир-бирига чамбарчас боғланган бу муқаддас сўзларнинг мазмун-моҳиятини, қудрати ва ҳикматини мураккаб ҳаёт йўлини босиб ўтган, истибдоднинг қоронғи кечаларида ёруғ кунларга интилган, ўз Ватанида ватансиз, она тилидан мосуво, буюк ўтмиши ҳақида сўйлашдан, келажак ҳақида ўйлашдан чўчиб яшаган миллатни ҳурлик сари бошлаган — курашларда тобланиб мустақилликка эришган инсонлар тўла англашга, ҳис этишга қодирдир.



Ўзини, ўзлигини англаб етган халқимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида ана шундай мураккаб ва машаққатли йўлни босиб ўтди, турли синов ва қийинчиликларга қарамасдан, ҳал қилувчи тарихий вазиятларда бирлашиб, бир мушт бўлиб майдонга чиқди, ўзининг мустақкам иродаси, қатъият ва матонатини, юксак инсоний фазилатларини намойён этди — қўлга киритилган мустақилликни мустақкамлаб, ҳеч кимдан кам бўлмаган миллат эканини исботлади. Бугун халқимиз башарият цивилизациясига, илм-фани ва маданияти ривожига бекиёс ҳисса қўшган буюк аждодларининг муносиб вориси, бой тарих ва маданий мерос соҳиби сифатида ижтимоий, иқтисодий, маънавий соҳаларда катта ютуқларни қўлга киритмоқда.

Давлатимиз раҳбари истиқлолнинг илк йилларидан халқимизнинг онгу шуурини, тафаккурини, ҳаётини, ҳаётга, меҳнатга бўлган муносабатини ўзгартиришга, турмуш маданиятини, ҳаёт даражасини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Бу жараёнда миллат генотипини яхшилаш, оналар ва болалар саломатлигини мустақкамлаш, соғлом авлодни тарбиялаш вояга етказиш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини мустақкамлаш устувор мақсадга айланди. Шу боис миллий маънавиятимизнинг мустақкам қўрғони бўлмиш оилаларни ижтимоий химоя қилишга, фаровонлигини оширишга қаратилган саъй-ҳаракатлар изчил давом эттирилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан 2012 йилнинг Мустақкам оила йили, деб эълон қилинишида ҳам миллий ғоямизнинг бош мақсадларидан бири — баркамол авлодни вояга етказиш мақсади муҳасамдир.

Ўтган йиғирма бир йил давомида мамлакатимизда бетимсол бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Улкан иншоотлар, равон йўللар, кўприклар, гўзал хиббонлар, замонавий таълим муассасалари, боғ ва боғчалар, янги қишлоқлар бунёд этилди. Юртимизнинг турли гўшаларида амалга оширилаётган бундай оламшумул ўзгаришларда тараққиёт, фаровонлик сари қатъият билан

муҳим ютуқларни қўлга киритмоқда. Ушбу лойиҳа корхонанинг 212,6 миллион сўмлик маблағи эвазига амалга оширилди. Пировардида бу ерда меҳнат қилаётганлар сонини 29 нафарга етди.

● ЯНГИЕР шахрилик тадбиркор Ойбек Нурмухамедов саъй-ҳаракати билан темир-бетон плиталари ишлаб чиқаришга киришилди. Банкнинг 50 миллион сўмлик кредити эвазига рўёбга чиқарилган ушбу лойиҳа туфайли бу ерда йилига 440 миллион сўмлик қурилиш материаллари тайёрлаш имконияти юзга келди.

● КАРМАНА туманидаги касб-хунар коллежида наватдаги меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Унда 112 та корхона ва ташкилот ўзларидаги 232 та бўш иш ўрни билан қатнашди. Яқинда 92 нафар коллеж битирувчиси доимий иш жойига эга бўлди.

● ДЕНОВ туманидаги “Александр — Авангард — Денов” хусусий корхонасида футболкалар, бокс кўпоклари, кимono, бокс халталари сингари 20 га яқин спорт кийимлари тайёрлаш ўзлаштирилди. Айни пайтда корхона жамоаси дастлабки маҳсулотларини худуддаги спорт мактабларига буюртма асосида етказиб бермоқда.

● ДЕНОВ туманидаги “Александр — Авангард — Денов” хусусий корхонасида футболкалар, бокс кўпоклари, кимono, бокс халталари сингари 20 га яқин спорт кийимлари тайёрлаш ўзлаштирилди. Айни пайтда корхона жамоаси дастлабки маҳсулотларини худуддаги спорт мактабларига буюртма асосида етказиб бермоқда.

(Давоми 2-бетда).

### Ғамхўрликдан ниҳоятда мамнунмиз

Президентимизнинг ўтган ҳафтада эълон қилинган “Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида”ги Фармони барчамизга кўтаринки кайфият ва хурсандчилик бағишлади. Бу эзгу саъй-ҳаракат ҳам мамлакатимизда инсон манфаатлари, кадр-қиммати нақадар улуг эканининг яна бир ёрқин далили бўлди.

#### ■ Дил сўзи

Истиқлолдан айланай, деймиз: бугунги тинч ва фаровон ҳаётимизга кўз тегмасин, дея ният қиламиз. Чунки мустақиллик туфайли кексаю ёшга бирдек ғамхўрлик кўрсатилаёпти, ҳеч кимдан кам бўлмай яшаши учун ҳамма шароитлар яратиб берилаяпти. Ҳозир қаерга бормайлик, ҳурмат-эҳтиром билан давраларнинг тўрига ўтказишади, иззат-икромимизни жойига қўйишади. Ҳолимиздан маҳалла-қўй доимо хабардор. Пенсиямизни ҳам вақтида олаётишимиз. Мана, энди жорий йилнинг 1 августидан бошлаб унинг миқдори яна ошади. Оиламизга қўшимча маблағ, даромад қиради. Бундан қувонмай бўладими?

Шу кунларда мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида энг улуг, энг азиз байрамимиз — мустақиллигимизнинг кўтлуг йиғирма бир йиллигини муносиб кутиб олишга қизғин ҳозирлик қўрилаяпти.

(Давоми 2-бетда).

## Мамлакатимизда:

### Бухоро

Бухоро туманида жорий йилнинг ўтган беш ойи давомида 2542 нафар киши иш ўрнига эга бўлди.

### Маҳсулот хорижга ҳам сотилади

Уларнинг 33 нафари яқинда фаолият бошлаган “Бухоро Шатен қилиян” маъсулияти чекланган жамиятига ишга жойлашди. Тумандаги Деҳча қишлоғида ташкил этилган мазкур корхона кириш кукуни ишлаб чиқаришга иктисослаштирилган бўлиб, ушбу лойиҳани амалга оширишда банкнинг 150 миллион сўмлик кредити ҳамда тадбиркорларнинг сармояси қўл келди. Ҳозир бу ерда кунига 30 тоннагача маҳсулот тайёрланмоқда. Корхона жамоаси йил охирига қадар 500 минг АҚШ долларини кир ювиш кукуни хорижга сотишни режалаштирмоқда.

И. ИСТАМОВ.

### Қурилишда кенг қўлланилади

Ховос туманида тошни қайта ишлашга мўлжалланган янги технологик линия ишга туширилди.

#### ■ Сирдарё

“Сирдарё саноат индустриал” маъсулияти чекланган жамияти томонидан ҳаётга татбиқ этилган мазкур лойиҳа банкнинг 200 миллион сўмлик кредити ҳисобига молиялаштирилди.

— Урнатилган янги технологиялар йилига 10 минг куб метргача майдаланган тош ҳамда 9 минг куб метрдан ортқ қизил кум тайёрлаш қувватига эга, — дейди жамият раҳбари Одил

Ҳайталиев. — Энг муҳими, хом ашё шу ернинг ўзидан олинаёпти. Бу эса биз тайёрлаётган қурилиш ашёлари таннархнинг арзонлигини таъминламоқда.

Шу каби истиқболли лойиҳаларнинг амалга оширилиши туфайли туманда жорий йилнинг биринчи ярмида 400 га яқин иш ўринлари яратилди.

Ш. ХОЛМУРОДОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

### Юқори ўсиш суръати таъминланди

2012 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплекси бўйича жами 1 триллион 955 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, хизматлар кўрсатилиши натижасида бу борада

**123,8** фоиз ўсишга эришилди.

Комплекс таркибига кирувчи вазирилик ва идоралар тизимида Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифалар ижроси юзасидан аниқ мақсадли чора-тадбирлар кўрилгани туфайли ана шундай юқори натижа қўлга киритилди.

Бир рақам  
шарҳи

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

# ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

(Давоми. Бошланиш 1-бетда.)

Президентимиз Ислам Каримов томонидан илгари сурилган **“Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!”** эзгу ғояси замирида кўлга киритган ана шундай оламшумул ютуқларимиз, 21 йиллик қувончу ташвишларимиз, дунёқарашимиздаги ўзгаришлар, ҳаётта бўлган муносабатимиз, бугунимиз кечагидан, эртаимиз бугунгидан ёруғроқ, фаровонроқ бўлишига, фарзандларимиз келажагига, тинчлик ва оқойишталигимизга қатъий ишонч муқассам. Зеро, эркинлик бор жойда — ободлик бор. Эркин ва обод Ватанда яшаш — бахт. Ватан — бизнинг тақдиримиз.

Айни кунларда давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 19 июнь куни қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йиғирма бир йиллик байрамига тайёрлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, жойларда ушбу кутлуғ санани муносиб кутиб олиш ва халқимиз ҳаётида ёрқин из қолдирадиган даражада ўтказишга қаратилган қатор тадбирлар — маданий-маърифий кечалар, учрашув ва мулоқотлар, давра суҳбатлари бўлиб ўтмоқда. Мазкур тадбирларда барча соҳаларда эришган ютуқларимиз, халқимиз, аввало, ёшларимизнинг онгу тафаккури, интеллект

туал салоҳияти, ижтимоий фаоллиги юксалиб, Ватанимизнинг қудрати, халқаро майдондаги обрў-эътибори тобора ортиб бораётгани, юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг моҳияти ва ахамияти ҳақида сўз юритилмоқда.

— Байрамга тайёрларик аниқ тизим асосида олиб борилмоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йиғирма бир йиллигига бағишлаб Тошкент шаҳрида ўтказиладиган байрам дастурини тайёрлаш бўйича ижодий гуруҳ раҳбари, Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо. — Тайёрланаётган дастурда “Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!” ғоясининг мазмун-моҳиятини, ҳикматини, фалсафасини, истиқлол юртимизда яшаётган миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча инсонларни эркин ва озод ҳаёт қуришдек эзгу ишларга сафарбар этадиган буюк ҳаётбахш куч эканини бадиий воситалар, куй, қўшиқ ва рақслар орқали ифода қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ижодий гуруҳ аъзолари — таниқли шоир ва ёзувчилар, олимлар, композиторлар, ҳофиз ва хонандалар, раҳбарлар, балетмейстерлар ҳар қачонгидан ҳам жипс бўлиб, юксак бадиий савиядаги байрам дастурини тайёрлашга ҳаракат қилмоқдалар. Гуруҳ аъзоларига эркин ижод қилиш-

лари, ҳамкорлик ва ҳамфикрликда ишларлари учун ёзувчиларнинг “Дўрмон” ижод уйида барча шарт-шароит яратиб берилган. Қуллоқ лойиқа қанчалик кўп ишлов берса, шунчалик нафис, жарангдор чинни яратилганидек, ижодкорлар ҳам ҳар бир сўз, ҳар бир оҳанг, ҳар бир ҳаракат устида кунт билан ишламоқда. Зеро, байрам дастуримиз нафақат халқимизга, балки сунъий йўлдош орқали юзлаб давлатларга намойиш этилади.

Дастурни тайёрлашда асосий ғоя сингдирилган 30 оригинал асардан фойдаланиш режалаштирилган. Унда устоз шоирлар билан бир қаторда, ёш қаламкашларнинг ижод намуналаридан ҳам фойдаланилмоқда. Гуруҳ аъзоларининг ижодий ҳамкорлиги самарасида ҳозиргача ўнлаб янги қўшиқлар яратилди.

— “Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!” — бу шунчаки шiori эмас, — дейди Ўзбекистон санъат арбоби, композитор Анор Назаров. — Шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир кишининг, жумладан, ижодкорларнинг ҳам тақдирини, бахти шу Ватан тақдирини, шу Ватан бахти билан чамбарчас боғлиқдир. Ватан — бизнинг илдизимиз, ўтмишимиз, бугунимиз, келажагимиздир. Халқимиз қалбидан жой олган асосий асарларимиз истиқлол йилларида яратдим. Презид

ентимиз раҳнамолигида ижод ахли учун яратилган шарт-шароит, ижод эркинлиги туфайли мана шундай ютуқларга эришдим. Ватанни куйлаш, элу юртни бандан пардаларда тараннум этиш ҳар бир ижодкор учун катта бахт, улкан шарафдир.

Шоир, композитор ва хонанданинг ҳамкорлигида ишлаши ҳар доим яхши самара берган. Бундай ижодий ҳамкорлик самарасида халқимизнинг қалби ва онига етиб борадиган, уларнинг руҳи ва кайфиятини кўтарадиган, янги марралар сари илҳомлантирадиган жозибали ва таъсирчан асарлар яратилди.

Мустақиллик — эркинлик ва озодлик, хурлик байрами. Халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти, меҳнатқаш ва меҳмондўстлиги, бағрикенглиги, ватанпарварлиги, эртанги кунга бўлган ишончи ушбу байрам фалсафасида янада теран намоеён бўлади. Шунинг учун ҳам тинчлик ва оқойишталик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик, ўзаро хурмат ва меҳр-оқибат муҳити тобора мустаҳкамланиб бораётган мамлакатимиз ахли — барча юртдошларимиз энг улуг, энг азиз байрамимизга чин дилдан, астойдил ҳозирлик кўрмоқдалар...

Воҳид ЛҲҚМОНОВ, ЎЗА шарҳловчиси.



## Фаровонлик манбаи

Мамлакатимизда тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ўз бизнесларини тўғри йўлга қўйишларида кўмаклашиш устувор вазифалардан ҳисобланади. Уларга кўрсатилаётган юксак эътибор самараси ўлароқ, қўллаб-қувватлаш маҳсулотлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш, янги иш ўринлари яратиш борасида ибрат кўрсатишаётир.

### Жараён

Бугун биргина Фиждубон туманида 2700 дан зиёд тадбиркорлик субъекти фаолият юритаётгани, айниқас, оилавий бизнесни турмуш фаровонлиги манбаи, деб билаётган тадбиркорлар сафи тобора кенгаёётгани қувонарлидир.

Тумандаги “Барақа” хусусий корхонаси тадбиркор Бахшўлла Самадов сазй-ҳаракати билан ташкил этилиб, айни чоғда бу ерда нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

— Яқинда бизга ажратилган 54 миң АҚШ доллари миқдоридаги кредит эвазига замонавий технология линия сотиб олдик, — дейди тадбиркор бизнестани Бахшўлла Самадов. — Бир кеча-кундузда уч-тўрт тонна маҳсулот тайёрлаш қувватига эга бу линияда ҳозир соатига литри 2,5 киловатт электр энергия-

си сарфлаган ҳолда 140 донна нон ишлаб чиқарилаяпти. Ваҳолонки, аввалги технология билан бундан олти баравар кўп энергия сарфлашга тўғри келар эди.

Айни пайтда корхонада 17 турдаги хуштаъм нон ва нон маҳсулотлари тайёрланапти. Германия экспертлари кўмагида яқиндан бошлаб ишлаб чиқарилаётган, шифобахш хусусиятларга эга дармонли аҳолига манзур бўлаётган. Мутахассислар фикрича, ушбу нон қандли диабет, ошқозон-ичак касалликлари билан оғирган беморлар учун фойдалидир.

— Фиждубон агросаноат касб-ҳунара коллежини тугатиб, шу корхонага ишга келганман, — дейди тумандаги Аҳмадхон қишлоғилик Маффуза Тўйчиева. — Бу ерда мен каби ёшларга эътибор жуда

катта. Бу эса ҳар биримизни янада самарали меҳнат қилишга ундаяпти.

Тадбиркорликдан барака топиб, 50 дан зиёд иш ўрни яратган Самадовлар хонадони вакиллари яқинда яна бир хайрли ишга қўл уришди. Уларнинг сазй-ҳаракати билан туман марказида тўй маросимларини ўтказишга мўлжалланган мажмуа ишга туширилди. “Хумо” деб номланган бу мухташам қоша на ўз дизайни, меъморий ечими билан эътиборни тортади. Муҳими, яна ўндан зиёд иш ўрни юзга келди.

Қисқача айтганда, айни пайтда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, шу орқали аҳоли турмушини янада яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар ҳаётга босқичма-босқич, изчил татбиқ этилмоқда. Бунинг натижасида эл орасида обрў-эътибор топётган тадбиркорлар сони тобора ортиб, ҳаётимиз фаровонлиги таъминланмоқда. Зеро, тадбиркорлик ризқ-рўз манбаи, тўкин ҳаёт гарови, эзгу ишлар мезонидир.

Истам ИБРОНИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

## Ғамхўрликдан ниҳоятда мамнунмиз

(Давоми. Бошланиш 1-бетда.)

Аҳоли турмуш даражасини янада ошириш мақсадида ҳаётга татбиқ этилаётган мазкур Фармон, айтиш жоизки, ана шу бетакрор шодона олдидан барчамиз учун аталган ўзига хос тўхфа бўлди.

Албатта, халқимиз фаровонлигини ўйлаб қили-

наётган бундай эзгу ишлар ўз-ўзидан рўёбга чиқётгани йўқ. Барчаси Юртбошимизнинг оқилона сиёсати натижасидир. Ёшларимизга насихат қилганда ҳам “Яхши ўқинглар, ўрганинглар, шу орта муносиб фарзанд бўлинглар”, дея кўп уқтираман. Сабаби, яхши яшаш нималигини биз айнан

истиқлол шарофати билан дилдан ҳис қилдик, қилаялмиз.

Тилагимиз, орзуимиз бир — Ўзбекистонимиз бундан кейин ҳам гуллаб-яшнаверсин, бахтимизга Юртбошимиз ҳаммиша соғ-омон бўлсинлар.

Маъсуда ЗОИТОВА, пенсионер. Қўрай тумани

## Қонунлар ижросига бағишланди

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги ҳамда “Почта алоқаси тўғрисида”ги қонунларнинг Тошкент ҳамда Қашқадар вилоятларидаги ижросини ўрганиш бўйича ўтказилган назорат-таҳлил натижалари муҳокама қилинди.

### ■ Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

Тадбирда куйи палата депутатлари, тегишли ташкилотлар ва идоралар, маҳаллий ҳокимият органлари вакиллари қатнашди.

Йиғилишда мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларига кўрсатилаётган юксак эътибор уларнинг янада эркин фаолият олиб бориши, мустақиллиги ва иқтисодий барқарорлигини таъминлашга хизмат қилаётган таъкидланди. Зеро, истиқлол йилларида республикамизда ахборот соҳасида тизимли ва самарали ислохотлар изчиллик билан амалга оширилиб, мустақам қонунчилик базаси яратилди. Пировадида маҳаллий масс-медиянинг равнақи сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Шуларга мос равишда бугунги кунда уларнинг умумий сони 1254 тани ташкил этиб, шулардан нодавлат ОАВнинг ҳиссаси 60 фоизга тўғри келмоқда. Айни чоғда рақамли ва мобил телевидение, интернет-телевидение, интернет-радио каби замонавий тармоқлар кенг ривожланиб бораётир.

Президентимиз томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясидаги ғоя ҳамда тақлифлар, қонунчилик ташаб-

буслари рўёби бу борадаги тараққиётни янада жадаллаштириш, фуқароларнинг юртимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иш-тирокини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этади, албатта. Қолаверса, давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 30 декабрдаги “Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида”ги қарори мазкур жабҳанинг кенг тараққий топишида зарур дастуриламалдир.

Муҳокамаларда ўрганилган ҳуқуқий ҳужжатлар доирасида жойларда муайян ишлар қилинган кайд этилди. Ушбу жараёнда ҳудудларда оммавий ахборот воситаларининг моддий-техник базаси, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, нодавлат босма нашрлар ва телерадиоканаллар фаолиятини кенгайтириш орқали миллий ахборот маконида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш юзасидан ҳаётга татбиқ этилаётган чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, Тошкент ва Қашқадар вилоятларида бугунги кунда 76 та (мос равишда 41 ва 31 нодавлат) ОАВ фаолият юритиб келмоқда. Уларда босма нашрларнинг бир марталиқ умумий тиражи тегишли тарзда 130 миң ва 103

миң нусхани ташкил этмоқда. Шунингдек, ҳудудларда нашр маҳсулотларини тарқатиш йомушлари почта алоқаси бўлимлари, “Матбуот тарқатувчи” корхоналари ҳамда шу тармоққа ихтисослаштирилган бир қатор хусусий хизмат кўрсатиш субъектлари томонидан амалга оширилаётди.

— Ушбу вилоятлардаги оммавий ахборот воситалари жамиятимизда юз бераётган янгилинишлар, ислохотлар моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш баробарида, уларни янгича мазмун билан бойитишга муносабат ҳисса қўшиб келмоқда, — дейди кўмита аъзоси Ш. Деҳқонов. — Бу борада соҳа ходимлари учун барча шарт-шароит яратиб берилгани эътиборга моликдир.

Тадбирда ҳар иккала ҳудудда аҳолини вақтли матбуот нашрлари билан таъминлаш мақсадида “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ филиаллари томонидан обуна қилиш, буюртмаларни расмийлаштириш ва ишлов бериш йўлга қўйилгани кайд этилди. Бундан ташқари, “Матбуот тарқатувчи” АК веб-сайти орқали обуначиларга интерактив хизматлар кўрсатилмоқда, мижозларга даврий нашр турлари билан танишиш ҳамда обуна бўлиш имконияти яратилган.

С. МАХСУМОВ.

(Давоми. Бошланиш 1-бетда.)

Лойиҳани амалга оширишдан қўзланган асосий мақсад тўқимачилик ва тикувчилик тармоқларида кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашдан иборат.

— Ўзбекистон — тўқимачилик соҳасида улкан салоҳиятга эга мамлакат, — деди Мелетис Карабинис. — Ўзбекистонда мазкур соҳа жадал ривожланмоқда. Мамлакатингизда барқарор ривожланаётган пахтачилик

## Самарали мулоқотлар

саноати юртингизда тўқимачилик тармоғининг юксак суръатларда тараққий этишига хизмат қилаётди. “EurAsia-Fashion — Марказий Осиё билан Европа ўртасида мода саноати соҳасида шериклик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш” лойиҳаси нафақат мамлакатларимиз, балки минтақаларимиз ўртасида тўқимачилик тармоғидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳамда бу борада ўзаро манфаатли, истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имконини беради. Ўзбекистонда ишбилармонларнинг фаол ва эркин иш юритиши учун барча зарур имкониятлар яратилганидан хабаримиз бор. Ўзбекистонлик шерикларимиз билан икки томон учун ҳам фойдали ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ҳамда ривожлантириш тарафдоримиз.

Кооперацион биржа давомида Ўзбекистон ва Греция ишбилармонлари икки мамлакатнинг тўқимачилик ва мода саноатидаги имкониятлари билан танишиш, ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш, бу борада савдо алоқаларини мустаҳкамлаш, биргаликда қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш каби масалалар юзасидан музокаралар ўтказди.

Ирода УМАРОВА, ЎЗА мухбири.

## Ижтимоий лойиҳалар танлови

Пойтахтимизда “Ижтимоий кўмакка эҳтиёжманд оилаларга ижтимоий хизматлар кўрсатишга нодавлат нотижорат ташкилот(ННТ)ларни жалб этиш” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Мазкур тадбир “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтиларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилди.

### ■ Тадбир

Унда депутатлар, сенаторлар, ишбилармон доиралар ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари, шунингдек, халқаро экспертлар қатнашди.

Тадбирда эътироф этилганидек, юртимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, оилалар фаровонлигини таъминлаш ҳамда бандликка кўмаклашиш масалаларига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бу борада, айниқас, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаол ташаббусларни илгари сураётганлиги қувонарлидир.

Мана, икки йилдирки, “Фонд Форум” ҳамда Ижтимо-

ий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди ҳамкорлигида “Худудий нодавлат нотижорат ташкилотларининг ижтимоий аҳамияти лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш грант дастури” амалга оширилмоқда. Дастур мамлакатимиздаги ННТлар томонидан илгари сурилаётган ижтимоий аҳамият лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилганлиги билан эътиборга моликдир. Бинобарин, лойиҳа таълим, соғлиқни сақлаш, инфратузилма, экология, маданий ва миллий аъёнларни асраб-авайлаш сингари йўналишлардаги долзарб масала-

ларни ҳал этишда бекиёс ўрин тутмоқда. Эътиборлиси, бундай лойиҳаларни амалга оширишда жойлардаги ҳокимликлар, маҳалла идоралари, хотин-қизлар кўмиталари, бизнес тузилмалар сингари 150 дан зиёд ташкилотлар ННТлар билан ҳамкорлик қилаяпти.

— Бу йилги грант дастурининг биринчи босқичи доирасида ташкил этилган танловга “Саёҳат — имконият” номли лойиҳамизни тақдим қилдик, — дейди “Олтин мерос” халқаро хайрия жамғармасининг Қашқадар вилояти бошқаруви раиси Шарофат Ашурова. — Лойиҳадан

ламент комиссиясининг тегишли қарори чиқарилди.

Ушбу лойиҳалар жойлардаги ижтимоий муаммоларни ижобий ҳал этиш, ҳудудлардаги ННТлар фаолиятини янада ривожлантириш, хотин-қизлар ва ёшларнинг бандлигини таъминлаш, репродуктив салооматлиқни асраш, жисмоний имконияти чекланган кишиларга яқиндан кўмаклашиш сингари хайрли мақсадларни кўзда тутилганлиги билан аҳамиятлидир.

Давра суҳбатида экспертлар ана шундай долзарб аҳамиятга молик ижтимоий лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, алоҳида кўмакка муҳтож оилаларни ҳар томонлама муҳофаза қилиш ҳамда оилавий бизнесни янада ривожлантириш каби масалаларга тўхталиб, бу борадаги тақлиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Тадбир якунида танлов ғолибларига махсус сертификатлар топширилди.

Муборак ОХУНОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2012 йил 10 шолдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:\*)

1 Австралия доллари	1927,79
1 Англия фунт стерлинги	2930,86
1 Дания кронаси	312,69
1 БАА дирхами	515,37
1 АҚШ доллари	1892,59
1 Миср фунти	312,57
1 Исландия кронаси	14,75
1 Канада доллари	1856,94
1 Хитой юани	296,95
1 Россия рубли	58,01
1 Украина гривнаси	236,80
1 Малайзия ринггити	593,85
1 Польша злотийси	548,10
1 СДР	2853,19
1 Туркия лираси	1040,51
1 Швейцария франки	1936,75
1 евро	2372,21
10 Жанубий Корея вони	16,57
10 Япония иенаси	237,64

\*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Банк тизими

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисида мамлакатимиз молия-банк тизимида содир бўлаётган ижобий ўзгаришлар алоҳида эътиборга олинди. Жумладан, охириги беш йил давомида республикамиз банк сектори капиталининг етарлилик даражаси банк назорати бўйича Базель кўмитаси томонидан 8 фоиз эътибор белгиланган халқаро меъёрдан уч баробар юқори даражани ташкил қилаётгани, "Стандард энд Пурс", "Мудис" ва "Фитч Рейтингс" каби нуфузли халқаро рейтинг агентликлари икки йилдан буён Ўзбекистон банк тизимида муттасил равишда "барқарор" рейтинг даражасини бераётгани қайд этилди. Қолаверса, аҳолининг ушбу тизимга бўлган ишончи ортиб бораётгани банклар фаолияти самарадорлигининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланиши таъкидланди.

Молия бозорига барқарор ва ишончли фаолият юритиш учун миқозларга ҳар доимгидан-да сифатли, тезкор хизмат кўрсатиш, уларнинг талаб-истакларини қондириш, дастлабки муурожаатдаёқ барча зарур шароитларни муҳайё қилиш, ўзига хос иш услуби ва маданиятига эга бўлишга интилаётган "Ўзсаноатқурилишбанк" жамоасининг бугунги фаолиятдан ҳам кўпчилик мамнун. Молия муассасаси учун миқоз манфаати, қолаверса, муурожаат этувчи ҳар бир шахс хоҳиш-истагини тўла қондириш устувор вазифа ҳисобланади. Зеро, ишонч кафалатландими, демак, миқозлар сафи кенгайди. Шунданми, ҳозирги кунга келиб "Ўзсаноатқурилишбанк" миқозлари сони бир миллион нафардан ошиб кетди. Бундан ташқари, у юртимиздаги 43 та филиали орқали 36 мингдан зиёд корхона ва ташкилотларга самарали хизмат кўрсатмоқда. Банк кўмағига таяниб, ўз бизнесини йўлга қўйган, яхши даромад орттириб, эндиликда мамлакат равнақига муносиб ҳисса қўшаётган тadbиркорлар ҳам унинг фаолиятини алоҳида мамнуният билан эътироф этишмоқда.



# Миқоз ишончи – бош мезон

Бу "Ўзсаноатқурилишбанк" фаолиятининг асосий мақсадига айланган.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун барча шарт-шароит яратиб берилмоқда. Чунки ушбу соҳанинг тараққиёти, энг аввало, аҳолини иш билан таъминлашдек ўта муҳим вазифани ижобий ҳал этишга туртки беради. Қолаверса, ички бозорни импорт ўрнини босадиган, экспортбоп маҳсулотлар билан тўлдиришга хизмат қилади.

Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш иқтисодий барқарорликка эришишнинг муҳим шартларидан биридир. Шу боис ҳам юртимизда бу масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда.

## Жамоамиз танлаган банк

Жумладан, ўтган давр мобайнида давлат тузилмаларининг тadbиркорлик фаолиятига аралашуви кўпроқ чеклаш, уларга зарур ресурсларни харид қилиш ва ўз маҳсулотларини сотиши учун бозорларга чиқиш имкониятларини кенгайтириш, қўшимча солиқ имтиёзлари бериш каби жуда кўплаб қулайликлар жорий этилди. Табиийки, соҳани янада ривожлантиришда мамлакатимиздаги молия муассасаларининг ҳам алоҳида ўрни бор. Масалан, бизнинг "Асл консерва" МЧЖ шаклидаги агроаноат фирмамиз фаолият кўрсатаётганига эндигина икки йил бўляпти. Ишни бошлаш пайтида юртимиздаги қатор банклар орасидан ўзимиз учун энг маъқули — "Ўзсаноатқурилишбанк"ни танладик. Орадан қисқа вақт ўтган,

бу борада тўғри қарор қабул қилганимизни англаб етдик. Негаки, "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг Қашқадарё вилояти минтақавий филиали томонидан ажратилган имтиёзли кредит ва молиявий кўмак эвазига маҳсулотларимизни ички бозорга чиқаришга улгурдик. Ўтган йили ҳар хил турдаги 300000 донна консерва маҳсулоти ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткични 400000 донга етказишни режалаштирганмиз. Янги ишлаб чиқариш технологияларининг фаолиятимизга жалб этилиши савдо ҳажми ва даромад миқдорини ошириш билан бирга, 30 та иш ўрни яратилишига ҳам асос бўлди. Албатта, бунда тadbиркорларнинг яқин кўмақчисига айланган "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг алоҳида ҳиссаси бор.

Тошпўлат АХАТОВ,  
«Асл консерва» МЧЖ агроаноат фирмаси раҳбари,  
Қашқадарё вилояти

Маълумки, жаҳонда кичик бизнесни ривожлантирмай туриб, иқтисодий ўсишга эришган, ишисизлик муаммосини ижобий ҳал қилган, аҳоли даромадлари ва фаровонлигини оширишга муваффақ бўлган бирор бир давлат йўқ.

## Муаммога ўрин қолмади

Чунки қай бир тараққий этган мамлакат тажрибасига эътибор қаратилганда, улар иқтисодий-иқтисодийда айнан мазкур соҳа муҳим ўрин тутганига гувоҳ бўласиз. Шу боис ҳам, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни ривожлантириш учун энг қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Ўз навбатида, бу саяёҳаракатлар натижасида мамлакат ялпи ички маҳсулотидан кичик бизнеснинг улushi йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Буни корхонамиз мисо-

лида ҳам кўришимиз мумкин. Тўғри, фаолиятимизни бошлаган дастлабки йилларда иқтисодий қийинчиликларга ҳам дуч келдик. Ана шундай шароитда "Ўзсаноатқурилишбанк" билан ҳамкорликни йўлга қўйганимиз ва аҳил жамоамизнинг меҳнати туфайли муаммоларни ўз вақтида бар-тараф этишга, ишлаб чиқариш барқарорлигини таъминлашга эришдик. Қисқа фурсат ичида сифатли курилиш материаллари ишлаб чиқариб, ўз миқозларимизга ҳам эга бўлдик. Яқинда "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг Олмазор филиали ажратган имтиёзли кредит эвазига Хитой Халқ Республикасидан энергияни тежовчи, юқори самарадорликка эга курилиш маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган ускуна со-

тиб олдик. Натижада корхонамиз йилига 1 351 минг квадрат метр рангли пластик қопламаларни ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлди. Қолаверса, 10 та иш ўрни яратилди.

Келажакдаги режаларимиз ҳам улкан. Яқин вақт ичида термопластик қувурлар ишлаб чиқармоқчимиз. Фаолиятимизни янада кенгайтириб, юртимиз равнақи, элимиз фаровонлиги, оилалар мустақамлиги йўлида муносиб ҳисса қўша олсак, ўзимизни бахтиёр ҳис қиламиз.

Бахтиёр АЛИМОВ,  
«Bilol Polvon» хусусий корхонаси раҳбари,  
Тошкент шаҳри

## Рағбат изланишга чорлайди

Бизнинг "Хонқа-паррандачилик" масъулияти чекланган жамияти жамоаси ҳам бугунги имкониятлардан унумли фойдаланишга интилкоқда. Ишни ташкил этишда тайёрлайдиган маҳсулотимиз ҳам сифатли, ҳам арзон бўлишини мақсад қилдик. Бунинг учун бизга кам ишчи кучи сарфланадиган, замонавий илм-фан ютуқларини ўзида муқаммалаштирган илғор технологик линия зарур эди. Режамизни амалга ошириш учун Германиядаги "Big Dutchman international GmbH" корхонаси билан шартнома туздик. Мағлаб масаласида бизга энг яқин ҳамкоримизга айланган "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг Хоразм вилояти минтақавий филиали катта ёрдам берди. Саяёҳаракатларимиз туфайли товуқ ва жўжа боқишга мўлжалланган линия келтириб ўрнатилган ҳамда замонавий корхона ишга туширилди. Бу 45 кишини иш билан таъминлаш имконини ҳам яратди. Демак, шунча оиланинг даромади янада кўпайиб, рўзғорига барака кирди, турмуш фаровонлиги ошди.

Паррандачиликда озуқа таъминотининг барқарорлигига эришиш, узил-кўрилганга йўл қўймаслик муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун, уларнинг захирасини яратишга алоҳида эътибор қаратаёلمиз. Озуқани улгуржи, арзон нархларда, кўп миқдорда харид қилиб, захира яратишимиз учун 500 миллион сўм миқдоридидаги мағлаб зарур бўлди. Эътиборлиси, бу масалани ижобий ҳал этишда ҳам "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг Хоразм вилояти минтақавий филиали бизни қўллаб-қувватлади. Молия муассасасининг кўмағи билан шунча миқдорда кредит расмийлаштирилди. Бундай йўл тутилгани маҳсулот таннархини арзонлаштириш имконини яратди.

Халқимизда "Тоққа чиққан чўққани кўзлар", деган нақл бор. Жамоамиз паррандачилик соҳасида маълум тажриба тўплаб, бир қатор ютуқларини қўлга киритган, иш қўламини янада кенгайтиришни кўзламоқда. Шу йилнинг ўзида хориждан парранда маҳсулотларини қадоқлайдиган замонавий технологияни сотиб олиб, ишга туширишни мақсад қилиб қўйганмиз. Бу хориждорларимиз сафининг кенгайишига, қўшимча иш ўринлари яратилишига имкон беради. "Ўзсаноатқурилишбанк"дек ишончли молиявий ҳамкоримиз мавжудлиги шундай ниҳоятларимизга эришишда муҳим асос бўлиб хизмат қилади, албатта.

Рўзбой БЕКМЕТОВ,  
«Хонқа-паррандачилик» МЧЖ директори,  
Хоразм вилояти

## ЖАҲОН 24 соат ичида

### Даромадга яраша буромад


Франция ҳукумати солиқлар миқдорини ошириш ҳисобига бюджет тақчиллиги муаммосини бартараф этиш ниятида.

"Блумберг" ахборот агентлигининг хабарига кўра, эндиликда фойда кўриб ишлаётган йирик корпорациялар ва катта даромадга эга шахслар давлат газнасига янада кўпроқ тушум қилишларига тўғри келади. Масалан, йил давомида 1,3 миллион евродан ортиқ мағлаб ишлаб топганлар учун 2013 йилдан бошлаб солиқ ставкаларини 75 фоиз қилиб белгилаш кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, мамлакатнинг молиявий сектори ва ёқилги саноатида фаолият юритаётган компанияларга жорий этилган имтиёзлар бекор қилиниб, уларга ҳам солиқлар ҳажми оширилиши режалаштирилган. Бюджет тақчиллигини бартараф этиш лойиҳасида, шунингдек, давлат идораларида хизмат қилаётган ходимлар сонини босқичма-босқич қисқартириш, мансабдорлар учун сарфланаётган харажатларни камайтириш каби бир қатор масалалар ҳам назарда тутилган.

### Қасрдаги ҳазина

Италиялик санъатшунослар Сфорца қасри худудидан таниқли мўйқалам соҳиб Караваджо ижодида мансуб 100 га яқин расмни топишди.

Маҳаллий "АНСА" ахборот агентлиги хабарига кўра, бу асарларни Караваджо 1584 — 1588 йиллари Миланда расмликни ўрганаётган даврида яратган. Улар машҳур мўйқалам устаси Симоне Петерзонанинг ишлари орасида сақланиб қолган экан. Бу бежизга эмас. Чунки Симоне 13 йил давомида Караваджога устозлик қилган.



Мутахассислар топилмаларнинг умумий қиймати 700 миллион АҚШ долларига тенг эканлигини айтишмоқда.

## Йирик авиакомпаниялар зарар кўрди

Жорий йилнинг биринчи чорак яқунлари бўйича жаҳондаги барча авиакомпаниялар тўрттинчи йилдан бери зарар кўрди. Бу ҳақда Халқаро ҳаво транспорти ассоциацияси маълум қилди.

Ассоциация вакилларининг билдиришича, дунёдаги энг йирик 55 та авиакомпаниянинг январь — март ойларидаги зарари 1 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетган. Ваҳолонки, ўтган йилнинг шу даврида компаниялар 17 миллион АҚШ доллар миқдоридида соф фойда олишга эришганди.

Вазиятнинг бундай кўриниш олишига, биринчи навбатда, йил бошида нефть нархининг ҳаддан зиёд кўтарилгани сабаб қилиб кўрсатилаётди.

## Энг баланд ҳайкал

Лондон шаҳри аэропорти ёнида Буюк Британиядаги энг баланд ҳайкал ўрнатилди.



"Афина" дея номланган бу ижод намунаси

бронзадан ясалган бўлиб, баландлиги 12 метрга тенг. Ҳайкалнинг "Афина" дея номланишида ҳам рамзий маъно бор. Чунки Афина қадимги Юнонистонда уруш ва донишмандлик маъбудаси ҳисобланган.

## Жасорат учун мукофот

Самолёт бортида бир гуруҳ террорчиларга қарши мардонавор курашганлиги учун хитойлик ўн нафар йўловчи ва экипаж аъзоларининг ҳар бири 100 минг юан (15,5 минг АҚШ доллари) миқдоридида пул мукофоти билан тақдирланди.

Гап шундаки, мамлакатнинг Хотан шаҳридан парвозга кўтарилган ҳаво лайнерида олти нафар террорчи портловчи куриломаларни ишга солмоқчи бўлган. Бахтли тасодиф туфайли самолёт бортидаги йўловчилар орасида полиция офицерлари ҳам бор эди. Улар босқинчиларга қарши қўл жангини ишга солишган ва олишувдан сўнг хавфни бартараф этишга муваффақ бўлишган. Жиноятчилар ҳукуматга топширилди.

## Яширин йўл топилди

Мексика ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари мамлакатнинг АҚШ билан чегарадош худудидан гиёҳвандлик моддалари олиб ўтиладиган яширин йўлни аниқлашди.

Ушбу ер ости йўли Мексиканинг Сан-Луис-Рио-Колорадо шаҳри билан АҚШнинг Аризона штатини боғлаб турган. У 20 метр қучурликда жойлашган бўлиб, узунлиги 230 метрга тенг.



АҚШ ҳукумати маълумотларига қараганда, 1990 йилдан бери мамлакатнинг Мексика билан туташ худудларидан 150 дан зиёд ана шундай хуфиёна йўллар аниқланган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

### Реклама ва эълонлар

Сара уруғ — юқори ҳосил гарови

**Испаниянинг FITO SEMILLAS компаниясининг**

**Ўзбекистондаги вакили**

ўз омборидан такрорий экин учун **маккажўхори ва чим уруғларини** таклиф қилади.

Уруғлар сертификатланган ва давлат реестрига киритилган.

Маълумот учун телефонлар: (+99893) 382-56-57, (+99897) 728-57-80. Факс: (+99871) 257-58-61.

**«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК**

Ўзида ишлаб чиқарилган кўйидаги маҳсулотларни хариддорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан кўшиб ҳисобланган)

**СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 900 000 сўмдан бошлаб.

**ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимдаги **ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100.

Тўғри бурчак кесимдаги **ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120. Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

**ПРОФИНАСТИЛ** — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.

**КАРБИД** Қозғистонда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 тн. учун 3 950 000 сўм.

МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.

**«ХАЛҚ СЎЗИ»**

9.00 дан 18.00 гача

**232-11-15, 236-09-25.**

E-mail: reklama@xs.uz

<b>ОБ-ҲАВО</b>	Корақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида	Бухоро ва Навоий вилоятларида	Тошкент, Сирдарё, Самарқанд ҳамда Жиззах вилоятларида	Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида	Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида	Тошкент шаҳрида
(10 июль)	+19 +24 +34 +39	+19 +24 +36 +41	+19 +24 +36 +41	+19 +24 +37 +42	+19 +24 +35 +40	+20 +22 +38 +40

(Давоми. Бошланчи 1-бетдан)

Буни жорий йилнинг февраль ойида пойтахтимизда ўтказилган "Оқсак билимми ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор

лакатимиздаги барча олий ўқув юртлирининг магистратура йўналишини тамомлаб, илмий даражага эга бўлган йигит-қизларга тантанали диплом топшириш маросимлари бўлиб ўтаётган.

мутахассислик дипломига эга бўлган истеъдодли ёшларнинг қувончи, шодлигига шерик бўлди...

— Шу юрт фарзанди эканлигимдан гурурланаман, — дейди Ўзбекистон

дурдона асарларини она тилимизга таржима қилаётган. Келгусида шу йўналишдаги илмий излашларимни давом эттириш ниятидаман.

Мазкур ўқув юртининг магистратура



# Етук, иқтидорли, шижоатли

## ёшлар бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир

тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шартини мавзуидаги халқаро конференция иштирокчилари — тажрибали мутахассислар, хорижий экспертлар ҳам алоҳида эътироф этишди. Уларнинг фикрича, жаҳон стандартларига мос шарт-шароитларда таълим олиб, кенг дунёқараш соҳиби бўлиб шаклланаётган Ўзбекистон ёшларига ҳар қанча ҳавас қилса, арзийди.

Ушбу тадбирларда иштирок этиб, шоғирдлари камолдан кўнгли тоғ қадр юксалган устоз мураббийлар, фарзанди иқболдан қалбида гурур хиссини туйган отаналар, ўзи танланган йўналиш бўйича

давлат жаҳон тиллари университети магистранти Дилфуза Эргашева. — Университетда таълим олиб, билимимни бойитдим, инглиз ва корейс тилларини пухта ўргандим. Айни пайтда чет эллик таниқли адилларнинг

бўлими бошлиғи Норпўлат Мамадовнинг маълумот беришича, жорий ўқув йилида университетдаги саккизта мутахассислик бўйича таълим олган жами 145 нафар битирувчига магистрлик дипломлари топши-

рилди. Илмий тадқиқотлар ва узлуксиз таълим жараёнида талабаларга таниқли профессор-ўқитувчилар билан бир қаторда хориждан таклиф этилган мутахассислар, тилшунослар сабоқ беришди.

Ташкилотнинг магистратура йўналиши битирувчиларига диплом топшириш маросимида ҳам кўтаринки кайфият ҳукм сурди.

Тадбирда таъкидланганидек, бугунги кунда мазкур таълим масканиди ўқув, ўқувчи услубий, илмий ва маънавий-маърифий йўналишларда серкира фаолият олиб борилмоқда. Буни жорий ўқув йилида институтни тамомлаётган 149 нафар магистрнинг 58 та илмий рисоласи, кўплаб монография ва илмий

мақолалари нашр этирилгани мисолида ҳам кўриш мумкин. — Таҳсил давомида устозларимиз бизга илғор педагогик услублар воситасида билим беришди, — дейди ўқув даргоҳининг магистратура бўлими битирувчиси Хушнуд Худойбердиев. — Энди билим ва интилишларимни юртимизда юксак ривожланган ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти куриш йўлида амалга ошири-

лаётган эзгу чора-тадбирларга сафарбар этаман.

Шак-шубҳа йўқки, ана шундай билимли, интилувчан, оқил ва доно ёшларимиз бундан буён ҳам мамлакат тараққиётига муносиб ҳисса қўшиши мақсадида астойдил изланиб, меҳнат қилиб, нурли манзиллар сари дадил қадам ташлайдилар. Зеро, улар интеллектуал салоҳият, ҳуқуқий тафаккур ҳамда маънавий дунёқараш бобида ҳеч кимдан кам бўлмаган ёшлардир!

Омонулла ФАЙЗИЕВ, Хасан ПАЙДОВЕВ (суратлар), «Халқ сўзи» мухбирлари.

## Эзгулик

Мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлаш, хусусан, аҳолининг эҳтиёжманд қатламни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармасининг жойларда, айниқса, чекка ҳудудларда олиб бораётган эзгу юмушлари эътиборга молик.

## Меҳр ва мурувват оғушида

Маълумки, жамғарма ташаббуси билан жисмоний имконияти чекланганларни тиббий-психологик ва ижтимоий реабилитация қилиш, уларни зарур доридармон ҳамда таянч-ҳаракат воситалари билан таъминлаш кенг йўлга қўйилган. Жумладан, ақинда Жиззах вилоятининг Зарбдор туманидаги 1-эшитиш қобилияти заиф болалар махсус мактаб-интернати тарбияланувчиларига протез-ортопедия махсулотлари топширилди. Ана шундай гамхўрликдан Самарқанд вилоятининг Пастдаргом туманидаги Бахшибой, Равот, Гулобод, Искандари маҳаллаларида васийликка олинган ўн нафар ўғил-қиз ҳам баҳраманд бўлди. Уларга олти турдаги дори-дармон воситалари ҳамда кийим-кечаклар етказиб берилди.

Шерзод ҚУРБОНОВ.

## «Яшил чироқ» ғолиби аниқланди

Наманган шаҳрида умумтаълим мактаблари ўртасида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Яшил чироқ» кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда республикамизнинг барча ҳудудларидан келган иштирок-

чилар 9 та номинация бўйича баҳс олиб борди. Якунда Наманган вилоятининг ёш автонаторатчилари ғолиб, деб топилди.

Қ. НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

● Реклама ва эълонлар ●

**СП "LEADING FORCE COMPANY"**  
ЗАВОД-ИЗГОТОВИТЕЛЬ  
ПОЛИПРОПИЛЕНОВЫХ МЕШКОВ  
НОВОГО ПОКОЛЕНИЯ

Товар сертифицирован

Тел.: (+99871) 237-10-06, 216-73-51, (+99890) 187-91-00  
E-mail: leading\_force@cron.uz, leading\_factory@cron.uz www.lfc.uz

**Кўчмас мулк сотишни ёки сотиб олишни хоҳлайсизми?**

**Бу борада ишончли ҳамкор излаясизми?**

**Унда шошилиб таваккал қилманг.**  
Акс ҳолда, вақтинсиз ҳамда нақдинсиз бехудага суворишингиз мумкин.

Кўчмас мулк бозорида 1-сонли риэлторлик лицензиясига эга бўлган «КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ сизга кўчмас мулк, хусусан, ишлаб чиқаришга доир бино-иншоотлар ҳамда тураржой биноларини сотиш ва сотиб олишда ишончли хизмат кўрсатади.

Бунинг учун жамиятимиз юқори малакали мутахассисларнинг (+99890) 998-62-72, 977-82-55, 977-77-85 телефонларига кўнгирак қилинг ва улар билан тўғридан-тўғри боғланинг. Кўчмас мулкнинг оммавий тарзда ўтказиладиган савдоларда шаклланган ҳақиқий нархлар билан таққосланган ҳолда, республика миқёсида тарғиб этилиб, энг юқори нархда сотилиши кафолатланади.

Махлаҳат ва консалтинг хизматлари қонунчиликда белгиланган тартибда, шартномалар асосида амалга оширилади.

«КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифати, қулайлиги ва арзонлиги билан сизни, албатта, қувонтиради.

**Унутманг!**  
«КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ кўчмас мулк бозорида энг биринчи ва энг ишончли ҳамкордир.

Лицензия: RR-0001.

**Мурожаат қилинг ва барака топинг!**

Tsh 64-20438253-01: 2011  
ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ: **ООО «TAYFUN PLASTIK»**

**ДОБАВКИ И КРАСИТЕЛИ**  
«MASTERBATCH» полимерные суперконцентрированные

ПРОИЗВОДИТ ИНДИВИДУАЛЬНО НА ЗАКАЗ:  
**КАЛЬЦИЙ КАРБОНАТ в гранулах**  
для производства полипропиленовых мешков.

из расчета 25 кг полипропилена для всех марок вводится от 2,5 до 4 кг наполнителя, толщина нити от 2-3 мкм, а также для экструзии, лития под давлением и вакуум-формовки вводится до 40% наполнителя.

может заменить до 40% сырья, поставляемого из-за рубежа. **Тел.: (+99898) 369-09-90, 215-68-06, факс: 281-59-89.** **КАЧЕСТВО ГАРАНТИРУЕМ**

<p>Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Олий бизнес мактаби жамоаси Ташқи алоқалар бўлими бошлиғи Отабек Фозиловга палари бузруквори <b>Қодиржон ота ФОЗИЛОВ</b>нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.</p>	<p>«Ўзбекнефтегаз» Миллий ҳолдинг компанияси жамоаси Ўзбекистон нефть ва газ саноати илмий-муҳандислик жамияти бошқарув раисининг ўринбосари <b>Раъно Исроиловна ХУСАНЖОНОВА</b>нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.</p>
<p>«Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси жамғарманинг Самарқанд вилояти бошқармаси раиси Ёқубжон Ҳазратқуллова турмуш ўртоғи <b>МАВЖУДАХОН</b>нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.</p>	<p>Тошкент давлат юридик институти жамоаси Халқаро ва қиёсий ҳуқуқ кафедрасининг собиқ ўқитувчиси Хусан Турсуновга падари бузруквори <b>Мирза ТУРСУНОВ</b>нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.</p>

**Халқ сўзи**  
Народное слово

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 754. 64 096 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.  
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бемуратов томонидан саҳифаланди.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орпнов. Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев. Навбатчи — М. Холматова. Мусахҳчи — Х. Тожқужаев.

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буоқ Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.40 Топширилди — 22.20 1 2 3 4 5